



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 26 февраль, № 40 (6475)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЗАМОНАВИЙ, УЛКАН ВА НОЁБ

саноат объектлари иқтисодиётимиз равнақига хизмат қилапти

Президентимиз мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида иқтисодиётнинг таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб этиш борасида бажарилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойиқ эканлигини таъкидлади.



Зеро, жалб қилинаётган инвестицияларнинг катта қисми йирик ишлаб чиқариш объектлари куриш, мавжудла-

ри фаолиятини кенгайтиришга йўналтирилганлиги, бу ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, экспорт ҳаж-

мини ошириш имконини бермоқда. Бу борадаги сазй-ҳаракатлар жорий йилги Инвестиция

МОДЕРНИЗАЦИЯ

дастури доирасида изчил давом эттирилиши, хусусан, Жиззах вилоятидаги цемент заводининг портланд цемент ишлаб чиқариш қувватини 1 миллион тоннагача етказиш белгилаб олингани қувонарлидир.

Дарҳақиқат, бундан икки йил олдин қад ростлаган Олмалик тоғ-металлургия комбинатига қарашли Жиззах цемент заводи минтақадаги йирик ишлаб чиқариш субъектларидан бири ҳисобланади. Айти пайтда бу ерда тайёрланаётган маҳсулотга талаб тобора ортиб бораётди.

— Корхонамизнинг лойиҳа қуввати йилига 350 минг тонна оқ, 760 минг тонна портланд цемент тайёрлашга мўлжалланган, — дейди корхонанинг режалаштириш ва иқтисод бўлими бошлиғи Сирожиддин Қоржовов. — Ўтган йили 510,3 минг тонна маҳсулот

ишлаб чиқаришни мўлжаллаган бўлсак-да, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланганимиз боис буюртмачиларга қутилганидан 110,3 минг тонна кўп қурилиш ашёси етказиб бердик. Муҳими, унинг бир қисмини экспорт қилишга ҳам муваффақ бўлдик. Яна бир эътиборга молик жиҳати, завод учун зарур бўлган асосий хом ашё — оҳақтош кордонанинг шундоққина ёнида жойлашган Балиқлитогдан олинаётгани маҳсулот таннархини турдош корхоналардагига нисбатан арзон бўлишини таъминламоқда. Айти пайтда 700 дан ортик ишчилар меҳнат қилаётган жамоада атроф-муҳит муҳофазаси ҳам доимий назоратда олинган. Яни завод замонавий филтёрлар билан жиҳозланган бўлиб, атмосферага чиқарилаётган зарарли моддалар тўлиқ ушлаб қолинади.

(Давоми 2-бетда).

Тошкент шаҳрида Иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Болгария ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди

Унда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, транспорт ҳамда логистика, қишлоқ ҳўжалиги, озиқ-овқат, фармацевтика, кимё саноати, соғлиқни сақлаш, туризм, фан-технология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ҳамда концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон билан Болгария ўртасидаги тенг манфаатли алоқалар барча йўналишда изчил ривожланапти. Айтикиса, савдо-саноат соҳасида ҳамкорлик кўламини кенгайтириш, томонлар ўртасида товар айирбошлаш ҳажми йил сайин кўпайиб бораётгани бунинг яққол далилидир.

Ҳақиқатан ҳам, юртимизда болгариялик инвесторлар иштирокида 15 га яқин корхоналар ташкил этилган бўлиб, улар кимё, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати каби иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларида фаолият кўрсатаёпти. 2015 йил якунига кўра, мамлакатларимиз ўртасида товар айирбошлаш ҳажми 41,2 миллион АҚШ долларини ташкил қилди.

Анжумандан кўзланган мақсад ҳам икки давлат ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамда транспорт-коммуникация соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш, биргаликда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ўзаро фикр алмашишдир. Унда сўзга чиққанлар бунинг учун томонларда улкан имкониятлар мавжудли-

гини алоҳида қайд этдилар. Чет эллик мутахассисларга Ўзбекистоннинг иқтисодий ва инвестициявий салоҳияти, кейинги йилларда эришилаётган ютуқлар, Хусусийлаштириш дастури доирасида инвесторларга тақдим этилаётган имтиёзлар ҳақида атрофлича маълумот берилди. Ўз навбатида, хорижий компаниялар раҳбарлари юртимизда яратилган қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини юқори баҳолаб экан, айтикиса, “Навий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси, “Ангрен” ва “Жиззах” махсус индустриал зоналаридаги шарт-шароитлар катта қизиқиш уйғотганини мамнуният билан изҳор этишди.

Томонлар савдо-саноат, нефть-кимё саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, транспорт-транзит соҳаларидаги алоқаларни янада кенгайтириш, ўзаро фойдали сармоявий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалаларини муҳокама қилдилар. Шу куни Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Болгария Республикаси ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида бизнес-форум бўлиб ўтди.

Болгария Республикаси минтақавий тараққиёт ва ободончилик вазирлиги, комиссия хамраиси Лилиана Павлова раҳбарлигидаги делегация аъзолари мамлакатимизнинг турли вазирлик ҳамда идораларида музокаралар ўтказди.

Санд **РАҲМОНОВ**, «Халқ сўзи» муҳбири.

«Diplomat Magazine»:

Ўзбекистон эришган муваффақиятлар халқаро ҳамжамият томонидан юқори баҳоланмоқда

Аввал хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси чет давлатларда катта қизиқиш уйғотиб, ишбилармонлар ҳамда илмий доиралар томонидан кенг ўрганилмоқда.

ДУНЁ НИГОҲИ

Жумладан, яқинда Нидерландия ва Бельгиядаги оммабоп нашрлардан бири ҳисобланган «Diplomat Magazine» журналида давлатимиз раҳбарининг мазкур

маърузасида тилга олинган тараққиёт йўлимиизнинг энг муҳим устувор йўналишларига оид мақола чоп этилди.

Унда таъкидланганидек, дунёнинг ривож-

ланган демократик давлатлари қаторидан ўрин олиш мақсадида юртимизда амалга оширилаётган янгиликлар аҳолининг муносиб ҳаёт кечириш

даражасини юксалтиряпти.

Мақолада жаҳон миқёсида савдо-сотик ишларининг ўсиш суръати сезиларли даражада сустлашгани, экспорт қилинадиган энг муҳим товарларга нисбатан ташқи талабнинг камайиши ва нархларнинг псайишига қарамастан, Ўзбекистон ташқи савдо айланишида ижобий сальдога эришгани ҳамда бу давлатнинг олтин-валюта захирасини ошириш имконини бергани алоҳида эътироф этилган.

(Давоми 2-бетда).

Соғлом аёл — миллат ғурури

Пойтахтимизда “Соғлом аёл — миллат ғурури” мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, спорт мураббийлари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

АНЖУМАН

Мамлакатимизда спорт турларини ривожлантириш, хусусан, уни болалар, аёллар ўртасида кенг оммалаштириш ишлари давлат сиёсати даражасига кўтарилгани анжуманда алоҳида қайд этилди. Ўтган йиллар мобайнида республикамизнинг барча

ҳудудида барпо қилинган замонавий спорт иншоотлари, стадионлар, сузиш ҳавзалари ёшларимизнинг баркамол бўлиб воғга етишига мустақкам замин яратмоқда.

Биргина мисол, 2005 йилда юртимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар

ва ўсмирларнинг 30 фоизи, жумладан, қишлоқ жойларда 29 фоизи спорт билан шўғулланган бўлса, 2015 йилда бу рақамлар тегишли равишда 57,2 фоиз ва 56 фоизи ташкил қилди.

Бугун фарзандларимиз бадий гимнастика, сузиш, синхрон сузиш, теннис, таэквондо, дзюдо, каратэ, ватерпол, эшкак эшиш каби спортнинг биз учун нисбатан янги бўлган турлари бўйича машғулотларда астойдил иштирок этапти. Айтикиса, бадий ҳамда спорт гимнастикаси қиз болалар ҳаётига тобора кўпроқ кириб бормоқда.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

2015 йилда мамлакатимизда

980

мингдан ортик иш ўринлари ташкил қилинди.



Бу иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш соҳаси барқарор ўсишининг юксак самараси бўлиб, пировардида энг муҳим устувор йўналишлардан бири ҳисобланган аҳоли бандлигини таъминлаш, авваламбор, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштириш учун зарур шарт-шароит яратиш имконини берди.

(Давоми 2-бетда).

Демократик ислохотларнинг муҳим мезони



◀ (Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Шу билан бирга, аҳолимизда фаол фуқаролик позицияси шаклланаётгани, юрт тараққиётига дахлдорлик ҳисси ортаётгани фуқаролик жамиятининг раванг топишида асосий омил бўлаётди. Институтизим ва бошқа экспертлар жамоаси томонидан ўтказилган тадқиқотлар ҳамда ижтимоий сўровлар шуни кўрсатмоқдаки, фуқароларимизда ўз конституциявий ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлиқ англаган ҳолда, кенг қўллади ислохотларда муносиб иштирок этиш кайфияти кучайиб бормоқда. Бу айтиш мумкин.

Иштирокчилар 2015 йилнинг январь ойидан кунга қирган "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонун давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиққанини таъкидладилар. Ушбу ҳужжат доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кеңеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кеңашлари ҳузурида ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари тузилди. Бу эса нодавлат ташкилотларнинг янада эркин ва самарали фаолият юритиши учун қўшимча ташкилий-ҳуқуқий шароитларни яратишда жойлардаги вакиллик ҳамда ижро ҳокимияти органларининг масъулиятини оширишга туртки беради.

Албатта, ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани алоҳида эътиборга моликдир. Сўнгги саккиз йил мобайнида уларнинг ижтимоий аҳамияти эга лойиҳа ва дастурларини рўйбга чиқариши учун давлат бюджетидан 47,7 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Бундай кўмак тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ўтказилаётган грант танловларида

қатнашган ННТ сони сезиларли даражада ошиб бормоқда. Умуман олганда, мамлакатимизда ННТ сафи тобора кенгаётгани, бунга ҳамоҳанг равишда уларнинг фаолиятидаги сифат кўрсаткичлари ҳам юксалаётгани диққатга сазовордир. 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, нодавлат нотижорат ташкилотлари сони 8 минг 417 тага етди. Ҳолбуки, 1991 йилнинг бошида бу рақам атиги 95 тани ташкил этган, холос.

— Нодавлат нотижорат ташкилотлари таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, экология, аёллар ҳамда ёшлар манфаатини ҳимоя қилиш, ёши улур инсонлар, ногиронлар ва бошқа эҳтиёжманд қатлам вакиллари қўллаб-қувватлаш, тадбир-

корлик ва фермерликни ривожлантириш, меҳнат бозорига барқарорликка эришиш бўйича муҳим дастурлар ижросини таъминлашга кенг жалб этилмоқда, — дейди Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси кеңгаши раиси Абдумажид Каримов.

Конференцияда, шунингдек, мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари жадал ривожланаётгани, уларни янада рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, ОАВнинг иқтисодий мустақиллиги ҳамда эркинлигини таъминлаш бўйича самарали давлат сиёсати амалга оширилаётгани эътироф этилди. Мустақил ОАВнинг жамоатчилик назорати тизимидаги роли кўриб

чиқилди ва ижобий баҳоланди. 2014 йилда қабул қилинган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонун давлат бошқарувини демократлаштириш механизмининг таъминлаштириб, фуқароларнинг ижтимоий фаолигини, хусусан, ахборот излаш, олиш ва тарқатиш билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқларини таъминлашда дастуриламал бўлаётгани қайд этилди.

Конференция доирасида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёнида сиёсий партияларнинг тугган ўрни ҳам кўриб чиқилди. Маърузачилар юртимиздаги сиёсий партиялар фаолиятининг Ўзбекистон Респуб-

ликаси Конституцияси ҳамда бир қатор қонунларда белгиланган ҳуқуқий асослари тўғрисида фикр юритишди. Мамлакатимизда кўптартиятчилик тизими ва сиёсий плюрализмни ривожлантириш учун кенг шароит яратилгани айтиб ўтилди.

Жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари алоҳида ўрин ажратилган. Мустақиллик йилларида маҳалла жаҳон ҳамжамияти томонидан фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлайдиган адолатли институт сифатида тан олинган ноёб тузилмага айланди. Бугунги кунда маҳалла институтининг давлат ва жамият ҳаётида нуфузи ошиб бораётгани демократик ислохотларнинг халқчиллигидан далолат беради.

Ҳозирги вақтда юртимизда фуқаролар йиғинлари илгари маҳаллий ҳокимият органлари ваколатига кирган ўттиздан ортиқ вазифаларни бажариб, аҳолини аниқ манзилли ижтимоий муҳофазат қилиш, фуқароларнинг манфаатлари ҳимоясини таъминлашга оид қўллаб масалаларда ташаббускор бўлмоқда.

Маҳаллаларда жамоатчилик назорати давлат ҳокимияти органлари ҳамда муайян корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш тарзида ҳам йўлга қўйилган. Утган йили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги туман (шаҳар) ҳокимларининг маҳаллаларда 7 минг 600 мартадан ортиқ ҳисоботлари эшитилди. Шунингдек, ҳудудларда бандликка кўмаклашиш марказлари, тиббиёт бирлашмалари, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимининг, коммунал хизмат кўрсатиш, ободонлаштириш масалалари билан шугулланувчи корхона ҳамда ташкилотлар раҳбарларининг ҳам ҳисоботлари тингланди.

Конференция иштирокчилари жамоатчилик назоратининг яна бир шакли бўлган фуқаролар муурожаати институти ҳам ривожланиб бораётганини, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида"ги Қонун фуқароларнинг муурожаатлари бўйича давлат органлари масъулиятини оширишга замин яратганини таъкидладилар. Қизгин, амалий руҳда ўтган муҳокамалар давомида фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида мавжуд имкониятлардан кенг фойдаланиш зарурлигига аҳамият қаратилди.

Конференция якунида жамоатчилик назоратини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини таъминлаштириш, сўз ҳамда ахборот эркинлигини таъминлашда ОАВнинг ролини кучайтириш, сиёсий партияларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Фарида МАҲКАМОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Соғлом аёл — миллат гурури

◀ (Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Ушбу йўналишда республикамизнинг барча ҳудудида ўнлаб мажмуалар қад ростлади. Уларда тўғарақлар ҳамда спорт клублари фаолият кўрсатаётди. Бу каби имкониятлардан унумли фойдаланаётган йигит-қизлар қитъа ва жаҳон миқёсидаги нуфузли мусобақаларда муносиб қатнашмоқда. Спортчи қизлардан 38 нафари Зулфия номидagi Давлат мукофотига сазовор бўлгани эътиборга моликдир.

Шу ўринда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда мунтазам равишда уюштириб келинаётган спорт тадбирларининг аҳамияти ҳам катта эканини таъкидлаш жоиз. Хусусан, 2015 йилнинг ўзида республикамиз бўйлаб аёллар спортини ривожлантиришга қаратилган қўллаб-қувватлаш ташкилоти ташкил қилинди. "Гимнастика барча учун", "Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи" каби тадбирлар шулар жумласидандир.

Юртимизда амалга оширилаётган бу каби саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Айниқса, ёшларимизда ўз соғлиғи ҳамда келажагига бўлган ишонч, муносабат ўзгарди. Бу эса уларни янги марралар сари ундамоқда. Утган йили 1 минг 668 нафар спортчи, жумладан, 567 нафар қиз 165 та халқаро мусобақада иштирок этиб, 983 та медални қўлга киритди. Мазкур рақамларнинг ўзиёқ Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслигини яққол ифодалайди.

Илмий-амалий анжуманда "Соғлом аёл — миллат гурури" номли тўплам тақдими ўтказилди. Шунингдек, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилиши режалаштирилган ишлар атрофича муҳомада қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

Дилмурод СОДИҚОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сўз — конференция иштирокчиларига

Сунь ЛИЦЗЕ,
Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулдада ва мухтор элчиси:

— Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг давлат ва жамият ишларини бошқариш, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш борасидаги роли ва аҳамиятини кучайтириш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Мамлакат раҳбарияти томонидан мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисида айтиш мумкин, бу нафақат давлат, балки нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ривожланиши, улар таълими, жисмоний тарбия ҳамда спортни тараққий эттириш, экологик барқарорликни таъминлаш, аҳоли саломатлигини асраш, фуқароларга ижтимоий хизматлар ва юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ масалаларда фаол иштирок этаяпти.

Кристина ПИККАТ,
ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари:

— Анжуман Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг бугунги ҳолати ва истиқболларини муҳомада қилиш имкониятини яратиб берди. Бугун ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини чуқур англаб етиши, вакиллик органлари ҳамда турли бирлашмалар орқали давлат ва жамият ишларини бошқаришда фаол қатнашиши жуда муҳимдир. Анжуманда гувоҳ бўлганимиздек, Ўзбекистонда ушбу йўналишда муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар натижалари Ўзбекистоннинг демократик принципларга содиқлигидан далолат беради. ЮНЕСКО Ўзбекистонда рўйбга чиқарилаётган ислохотларни алоҳида эътироф этган ҳолда, мамлакатимизда нодавлат секторни ривожлантиришга ўз хиссасини қўшишга тайёрлигини алоҳида айтишни истардим.

Саодат ТУРСУНБАЕВА,
"Шарқ аёли" халқаро хайрия фонди раиси:

— Фуқаролик жамияти ривожига сифат ўзгаришлари ҳақида сўз борганда, бу борада ННТ алоҳида ўрин тутаётганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, бизнинг ташкилот инновацион гояларни амалиётга татбиқ этишга ҳаракат қилади. Мисол учун, Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди қумагида "Буюк Ипақ йўлидаги Ўзбекистон" оммавий интернет-ресурсини ташкил қилдик. Фаолиятимизга доир бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин.

Фарида МАҲКАМОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТАДБИР

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш иқтисодий ўсишнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Шу боис мамлакатимизда кейинги йилларда мазкур йўналишдаги ишларга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Маҳаллийлаштириш дастури самаралари

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлигида бўлиб ўтган матбуот анжуманида ана шулар хусусида сўз юритилди. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш чуқур қайта ишлашни босқичма-босқич ошириш баробарида, юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар тайёрлаш ҳамда турини кўпайтиришда ички имкониятлардан фойдаланиш кўламини кенгайтириши қайд этилди. Юртимизда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ўтган 15 йил мобайнида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ҳажми 220 баробардан ошгани шундан далолат беради.

Биргина 2015 йилда Маҳаллийлаштириш дастури бўйича 696 та лойиҳа ҳаёtgа татбиқ этилиб, ишлаб чиқариш ҳажми 4 триллион сўмни, импорт ўрнини қоплаш самарадорлиги эса 1,5 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. Бошқача айтганда, мазкур лойиҳалар шарофати билан нефть-кимё асбоб-ускуналари, трансформатор нимстанциялари, шахта ускуналари, турли эҳтиёт қисмлар, светодиод оғираткичлар, спорт анжомлари сингари 820 турдаги маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилди.

Бундан ташқари, маҳаллийлаштириш ҳисобига сўнгги икки йилда жами 97 та товар гуруҳининг импорти тўлиқ тўхтатилган

бўлса, 306 та позиция бўйича импорт ҳажми 2 баробардан ортиқ қисқартирилди. Ўз навбатида, бундай қулай шарт-шароит ва имкониятлар дунёнинг етакчи компаниялари ҳамда хорижий инвесторларни жалб қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунга айтиш мумкин республикамизда самарали фаолият юритаётган "MAN", "CLAAS", "Lemken", "Toshiba", "Candy", "LG" ҳамда "Samsung" компанияларини мисол сифатида келтириш мумкин.

Сўнгги вақтларда ички бозорни маҳсулотлар билан бойитиш қаторида уларни ташқи бозорга етказиб бериш номенклатураси ва ҳажми ҳам сезиларли даражада ортаётгани қувонарли ҳолдир. Утган йилда 25,1 миллион долларлик 52 турдаги янги маҳсулотлар экспорт қилинган, Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида жорий йил учун маҳсулот етказиб бериш юзасидан 11,9 триллион сўмлик 13,3 мингта шартнома тузилгани фикримиз тасдиғидир.

Буларнинг барчаси саноат корхоналарининг барқарор ишлашини таъминлаш баробарида, иқтисодиётимиз равангига хизмат қилаётгани айтиш мумкин.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Diplomat Magazine»:

Ўзбекистон эришган муваффақиятлар халқаро ҳамжамият томонидан юқори баҳоланмоқда

◀ (Давоми. Бошланғич 1-бетда).

"Мамлакат эришган муваффақиятлар халқаро ҳамжамият томонидан юқори баҳоланмоқда. Катта нуфузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш якуналари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олди. Бундан ташқари, ўтган йили республика БМТнинг Озёқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)га аъзо давлатларнинг озёқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотига сазовор бўлган 14 та мамлакатдан бири сифатида қайд этилди", деб ёзилди нашрда.

Манбада баён қилинишича, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам диққатга сазовор. Бу, ўз навбатида, миллий

иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизациялаш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб этишга кўмаклашмоқда. "2015 йилда 15 миллиард 800 миллион АҚШ долларлик инвестициялар ўзлаштирилди. Унинг 3 миллиарди 300 миллион доллардан ортиғи хорижий инвестициялардир. Ушбу маблағнинг катта қисми янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилди. Натижада йирик ишлаб чиқариш объекти қурилиши якунланиб, фойдаланишга топширилди".

Шу билан бирга, мақолада Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида рўй бераётган тизимли ўзгаришларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. "Республикада деҳдон ва фермерларнинг фидокорона меҳнати ҳамда омилдорлиги тўғрисида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан мўл ҳосил олинапти. Мева ва сабзавотчилик, боғдорчилик, чорвачилик жадал суръатларда ривожланаётди", дейилади унда.

"Diplomat Magazine"да қайд этилганидек, замонавий технологиялар асосида пахта толасини ва мева-сабзавот маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ташқи ҳамда ички бозорда талаб юқори бўлган тайёр, экологик тоза тўқимачилик ва энгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2030 йилда 5,6 марта, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмини эса 5,7 карра ошириш имконини беради.

Мақола якунида 2016 йил мамлакатимизда "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилинган ҳақида маълумот берилиб, Ўзбекистон ҳар йили махсус давлат дастурларини ҳаёtgа муваффақиятли татбиқ этиш бўйича бой тажриба орттиргани, жорий йилда ҳам оила, оналик ва болалик муҳофазасини мустаҳкамлаш юзасидан улкан ишлар бажарилиши мўлжалланаётгани европалик ўқувчиларнинг эътиборига ҳавола қилинган.

◀ (Давоми. Бошланғич 1-бетда).

«Жаҳон» АА.
Броссель

ЗАМОНАВИЙ, УЛКАН ВА НОЁБ саноат объектлари иқтисодиётимиз равангига хизмат қилапти

◀ (Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Шу билан бирга, бу ердаги айланма пелларнинг узунлиги оdatдагилардан қисқалиги боис газ сарфи тежалли, самарадорлик ошмоқда. Ишлаб чиқариш жараёни эса ўта замонавий, барча жараён компьютерлар орқали бошқарилади.

Ҳозирги кунда Жиззах цемент заводида портланд цемент ишлаб чиқаришни бир миллион тоннага етказишга қаратилган лойиҳа ижросига киришилган. Бунинг учун "Элемент қурилиш" шубъа корхонаси

жамоаси европалик ҳамкорлар билан биргаликда бунёдкорлик жараёнини олиб бормоқда. — Лойиҳа иккинчи навбатининг қиймати 35 миллион 800 минг АҚШ долларига тенг, — дейди завод дирекцияси директори Ойбек Зўфторов. — Уни белгиланган муддатларда амалга ошириш учун барча имконият сафарбар қилинган. Айтиш мумкин қурилиш ишларида қарийб 400 киши қатнашмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракати билан ҳозирги пайтгача қўзда тутилган тадбирларнинг 70 фоизи

бажарилди. Аниқроғи, иккита кўндаланг тегирмон, цементни ҳаво ёрдамида ҳайдовчи тармоқлар ҳамда хом ашё етказиб бериувчи линиялар бунёд этилаётди. Буларнинг барчаси иш унумдорлигини оширишга хизмат қилиши, шубҳасиз. Негаки, илгари портланд цемент ишлаб чиқариш учун ок цемент тайёрлаш жараёнини тўхтатиб туришга тўғри келар эди. Лойиҳа тўлиқ амалга оширилгач, бунга ҳожат қолмайди. Ҳар икки линиядан баравар фойдаланиш имконияти яратилади. Бундан ташқари,

ҳар бири беш минг тонна сийғимга эга тўртта омборхона ҳам қуриллапти, бу ишноот маҳсулотни сифатли сақлашга қўл келади. Мухтасар айтганда, мазкур лойиҳа тўғрисида Жиззах цемент заводи қуввати ошиши билан бирга, яна 90 кишининг бандлиги таъминланади. Юртимиз экспорт салоҳияти ортиб, иқтисодиётимиз бундан-да раванг топади.

Тождидин ҚАМАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бекўлат TOFAEB
олган суратлар.

Божхона назоратида тезкорлик, аниқлик ва шаффоқлик кучайтирилади

Юртимизда божхона фаолиятини такомиллаштириш ва унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга оид ислохотлар изчиллик касб этмоқда. Ўтган даврда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизим самарадорлигини оширишда муҳим асос бўлаётди. Мазкур жараённинг узвий давоми сифатида жорий йилнинг 20 январида "Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниб, янги таҳрирдаги Божхона кодекси тасдиқланди.

СЕМИНАР

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси томонидан Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси билан ҳамкорликда мазкур кодекснинг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамиятини тарғиб этиш мақсадида семинар-тренинг уюштирилди. Унда пойтахтимиз ва Тошкент вилоятидан юздан ортиқ ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, божхона расмийлаштируви бўйича мутахассислар, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Қайд этилганидек, янги таҳрирдаги Божхона кодекси божхона ишда халқаро стандартларга мўл бўлган ягона қонунчилик базасини шакллантириш, божхона бошқарувининг барча даражасида ҳуқуқий норма ва муносабатларнинг бирдай қўллаш шартини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятнинг божхона томонидан тарғибга солинишида муҳим роль ўйнайди.

— Янги таҳрирдаги Божхона кодекси концептуал жиҳатдан амалдагисидан фарқ қилиб, ташқи савдонинг ривожлантириш ҳамда ташқи савдо операцияларини амалга оширишда божхона назоратини мустаҳкамлаш ва мамлакатимиз ҳудудида товар айланмаси мезонлари амалиёти учун хизмат қилади, — дейди Давлат божхона кўмитаси ҳуқуқий бошқарма катта инспектори Ботир Шералиев. — Шунингдек, божхона расмийлаштирув жараёнлари мuddатларини қисқартириш мақсадида интерактив хизматлардан унумли фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари белгиланган. Божхона органлари томонидан интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш ва божхона экспертизасидан ўтказишнинг аниқ меъёрлари ўз ифодасини топган.

Кодексда Давлат божхона назоратининг ягона автоматлаштирилган ахборот тизими фаолияти тартиби ҳам аниқ кўрсатилган. Бу божхона органларига тақдим эти-

ладиган ҳужжатлар сонини сезиларли даражада қисқартиради. Натижада товарларни расмийлаштириш масаласи бирмунча энгиллашди. Божхона расмийлаштируви учун зарур ҳужжатларнинг электрон кўринишида тақдим қилиш, электрон декларациялаш ва электрон рақамли имзодан фойдаланиш эса, табиийки, божхона назорати амалиётини кескин равишда соддалаштиради ҳамда тезлаштиради.

— Тадбирда иштирок этиб, Кодексга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар, уларнинг афзалликлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлди, — дейди "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси Божхона расмийлаштируви мутахассиси Анвар Алимов. — Буларнинг барчаси ишчиликнинг самарадорлигини оширади. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатда божхона тўловлари оид масалалар янада ойдинлаштирилган. Хусусан, божхона тўловларини амалга ошириш мuddатлари, тартиби ва шакли белгилангани айтиш мумкин.

Семинарда соҳада "Бир дарча" тизимининг жорий қилиниши ва бу ташқи савдонини амалга оширишда маъмурий ва техник тўсиқларни қисқартириш имконини бериши, товарларнинг божхона расмийлаштируви жараёнини энгиллаштириши ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди. Маълумот ўрнида айтиш лозимки, янги таҳрирдаги Божхона кодекси 2016 йил апрель ойидан кунга қиради. Шундан сўнг нафақат амалдаги Божхона кодекси, балки Ўзбекистон Республикасининг "Бож тарифи тўғрисида"ги Қонуни ҳам ўз кучини йўқотади.

Тадбир давомида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларига соҳа мутахассисларидан жавоблар оlishди.

Бундай семинар-тренинглар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ҳам ўтказилади.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ.



Водийларни яёв кезганда...

Илму фан, маънавият ва маърифат маскани сифатида ном қозонган Бухоро истиқлол йилларида тубдан ўзгариб, тамомила ўзгача қиёфа касб этди. Бошқача айтганда, не-не алломага бешик бўлган бу табаррук замин яшнади, яшарди. Айниқса, иқтисодиёт соҳалари изчил ривожланиб, йирик sanoat корхоналари, замонавий ишлаб чиқариш субъектлари, кўплаб сервис хизматлари кўрсатиш объектлари ишга туширилди. Буларга уйғун равишда шаҳар ва қишлоқларда тураржойлар, мактабу коллежлар, спорт мажмуалари, шифохоналар, маданий-маиший иншоотлар қад ростлади. Зиёратгоҳлар обод этилиб, янги боғ-роғлар яратилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган давлат ва ҳудудий дастурлар ижроси тўла таъминлангани туфайли ҳар жабҳада ўзгаришлар юз бермоқда. Буларнинг барчаси одамларнинг турмуш тарзи, ҳаёт даражасида ўз ифодасини топапти.

Ушбу саҳифада **БУХОРО ВИЛОЯТИ**даги ана шу янгиланишлар, эзгу мақсадлар рўйи йўлида фидокорона меҳнат қилаётган ташаббускор тадбиркорлар, Ватанимиз равнақиға муносиб ҳисса қўшишга интилаётган инсонларнинг ибратли ишлари ҳақида сўз юритилади.

Таърифи етти иқлимда машҳур

Зардўзлик санъати Бухоронинг "таъриф қоғози"га айланган. Зеро, хунармандчиликнинг бу қадимий тури шу ҳудудда ривожланиб, таърифи етти иқлимга кетган. Мен ҳам ушбу касб ортидан барака топдим.



нинг муносиб давомчилари бўлган беш нафар неварамга зардўзликнинг нозик сир-асорларини ўргатаялман. Уларнинг бири-биридан зийрак, ўқувли, элчил эканлигини кўриб, қувончмига қувонч қўшилади. Бу ёшларнинг худди тенгдошлари каби келажакки порлоқ эканига ишонаман. Чунки юртимизда ёш авлод вакилларининг ўз қобилиятини юзага чиқариши учун барча шарт-шароит муҳайё этилган.

Муъассар ТЕМИРОВА, Ўзбекистон Қаҳрамони.

ИФТИХОР

Ҳисоблаб кўрсам, қўлимга игна олиб, оз эмас, кўп эмас, 44 йил зардўзлик корхонасида ишлабман. Тикан ҳар бир буюмни ҳуда қадри. Ахир улар қалб кўри, кўз нури эвазига яратилган. Шу боис қўлимда жилоланган миллий буюмларимиз дунёнинг номдор музейлари, кўргазмалардан ўрин олганини, юртимиздаги маданий қосоналари, музейларда сақланаётганини эласам, тўлқинланиб кетаман. Ҳаётимдан, касбу коримдан мамнун бўламан.

гиз, Бухорога зардўзлик қандакорлик, ёғоч ўймакорлигию каштадўзликнинг соҳури синоатини ўз кўзим билан кўрай, деб чет элдан атайин келатганлар бор. Шунинг ўзи инсонга гурур бағишламайдими?!
1995 йилда Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлдим. Буни миллий хунармандчилик бўлган юксак эътибор, ўзбек аёлига ғамхўрлик, эъзоз ва эҳтиром, деб биламан.
Ҳозир ёшим анчага бориб қолди. Аммо бир кун ҳам бекор ўтирмайман. Хунар ўрганаман, деган ёшлар учун эшигимиз эртаю кеч очик, Сулолаимиз-



Дунё бозорига "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" брендининг нуфузи тобора ошмоқда. Чунки юртимиз ишлаб чиқарувчилари юқори сифатли маҳсулотлари билан чет эллик харидорларнинг ишончини тўла оқлаган.

Бизни жаҳон танийди

Масалан, мен меҳнат қилаётган корхонада тайёрланаётган маҳсулотларнинг асосий қисми Швейцария, Малайзия, Болгария, Япония каби дунёнинг ундан зиёд давлатларига экспорт қилинади. Хорижий буюртмачиларга фақат ўтган йилнинг ўзида 25 миллион АҚШ долларлилик калава ип етказиб берилди.
Замонавий корхонада ишлаш кишига роҳат бағишлайди. Ўз навбатида, масъулият ҳам юклайди. Цехлар энг илгор дастгоҳлар билан жиҳозланган, юмушларнинг асосий қисми компьютерлар ёрдамида бажарилади. Маҳсулотларимизга ички бозорда ҳам талаб

катта. Шу боис ўтган йили 1 миллион АҚШ доллари миқдоридagi инвестиция йўналтирилиб, корхонамиз фаолияти кенгайтирилди. Ишчилар сони яна 20 нафарга кўпайди.
Дунёда иқтисодий таназзулнинг салбий таъсири сезилиб турган айни паллада юртимизда ҳамма соҳа қатори санаотда ҳам барқарор ривожланиш кузатилаётгани биз танлаган тараққиёт йўлининг нақадар оқилона ва тўри эканлигини кўрсатмоқда.
Шоҳиста ЗИЯЕВА, «ДЭУ Текстиль Бухоро» корхонаси ишчиси, «Шухрат» медали соҳибаси.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганига қарамасдан, ўтган йили юртимизда иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатлари ва унинг макроиқтисодий мутаносиблиги таъминланди. Бунда бошқа ҳудудларда бўлгани каби Бухоро вилоятида ҳам мазкур тармоқларни таркибий ўзгартириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, инвестицияларни жалб қилиш бўйича ишлар изчил давом эттирилгани муҳим омил бўлди. **Натижада ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 7,5 фоиз, sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 7 фоиз, қурилиш-монтаж ишлари 11,7 фоиз ўсди.**

Президентимиз мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, "...бошқалар ҳавас қиладиган бундай натижаларга эришиш, албатта, осон эмас. Бу йилда бир йиллик ёки беш йиллик давр ҳам камлик қилади. Бундай мақсадларга эришиш учун сўзда эмас, амалий ҳаракатларимиз билан кундалик ҳаётимизни ўзгартиришимиз керак".
Дарҳақиқат, ана шундай тамойиллар асосида амалга оширилаётган босқичма-босқич ишловлар туфайли иқтисодиёт рақобатдошлиги ортиб, турмушимиз кундан-кунга фаровон бўлиб бораёпти. Бунга бир юртдошимиз ўз ҳаёти мисолида чўқур ҳис қилиб турибди. Негаки, бугунги шарт-шароит билан аввалги ҳолатни кўз олдинга келтириб, таққослаб қилади. Бундай мақсадларга эришиш учун осмонча эканига

ишонч ҳосил қиласиз. Шу ўринда оддий бир мисол, илгари бутун бир қишлоқда саноқли машина ёки телевизор бўларди. Ҳозир-чи?
Статистика маълумотла-

моқда. Биргина ўтган 2015 йилда 25 турдаги янги саноат маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилди. Бунда "Имиж-текстиль", "Бухоро ламинант трейд", "Селинг продакшн" раётганидир. Хусусан, ўтган йили экспорт қилинаётган маҳсулотлар тури яна тўртта-

Ҳавас қилса арзигулик натижалар

рига қараганда, ҳар 100 оиланинг 42 таси энгил автомобилга эга, 47 та оила шахсий компьютер, 30 дан зиёди кондиционер билан таъминланган.
Кейинги йилларда вилоятнинг, айниқса, sanoat соҳасида юксалиб, ички бозор импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдирил-

масъулияти чекланган жамиятларининг салмоқли ҳиссаси бор. Гап шундаки, уларда қиймати 1,1 миллиард сўмдан 2,2 миллиард сўмгача бўлган бизнес лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилди. Яна бир қувонарли кўрсаткич экспортда қўшимча қийматга эга товарлар ҳажми кўпайиб бо-

ЭЪТИРОФ

— Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Бухоро шаҳри сайёҳлик салоҳиятининг юқорилиги, тарихий-маданий обидалар, табарруқ масканларга бойлиги билан янада жозиба ва салобатли туюлади. У ўзида халқининг бой маданий мероси, қадриятларини муҳасам этган. Истиқлол йилларида ушбу мерос кўз қорачиғидек асраб-авайлаб қелинаётгани таҳсинга лойиқдир.

Анвар ОЧИЛОВ, вилоят иқтисодиёт бошқармасининг Саноат коммуникация тизимлари ва ахборот технологияларини ривожлантириш бўлими бошлиғи.

Бека ЖАКЕЛИ, БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Европадаги ҳудудий дастури вакили.

Мунаввар тонг, мусаффо осмон

... Ҳадемай тўқсон баҳорни қаршилайдиган Расул ота Шуқуров неча йилдири, бир одатни қанда қилмайди: саҳарлаб ҳовли рўпарасидаги боққа чиқади. Юртимизнинг тинч ва осойишта яна бир тонги отганидан кўнгли хотиржам тортади. Қалбида шукроналик ҳиссини туюди.

— Президентимиз айтганларидек, Яратганининг назари тушган заминда ашайимиз, — дейди ота-чон. — Бу тупроқнинг ҳар қаричи олтинга тенг. Хатто шўрқоқ ери ҳам меҳрингизга меҳр билан жавоб қайтаради. Мен бунга гувоҳман.

Расул отанинг бу гапни ишонч билан таъкидлаши беҳиз эмас. Чунки бир пайтлар мўъжазгина ушбу боғ ўрни қамишзору юлғунзор эди. Уқитувчиликдан нафақага чиққан, отахон "Шу ерда боғ яратаман" дея қўлига кетмон олди. Уғиллари эса унга елкадош бўлди.
Буни қарангки, кўп ўтмай шўрқоқ ер ўрнида кўзни қувнатидиган кўркам боғ яратилди. Энди унинг мевасидан кўни-қўшни, барча баҳраманд. Наврўзгача оила дастурхонидан боғнинг болдан ширин узуми аримайди. Ернинг меҳрга меҳр билан жавоб қайтаргани шу эмасми?!
Дарвоқе, Расул ота — ўзи исти-
ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

давлатимиз эъзозиди, — дейди отахон. — Юртбошимиз ташаббуси билан ўтган йил "Кексаларни эъзозлаш йили" деб эълон қилинган эди. Шу муносабат билан жуда кўп хайрли ишлар амалга оширилди. Биз, ёши улугларнинг соғлигини тиклаш, яшаш шароитимизни яхшилаш, қисқаси, умрини узайтириш бўйича кўрилган эзгу чора-тадбирларни айтмайсизми?!
— Худудимизда эл-юртга нафи тегаётган, тинч, аҳил яшаётган намунали оилалар кўп, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зибдулла Остонов. — Биз уларнинг ҳаётий тажрибаларини фаолларимиз кўмағида тарғиб-ташвиқ қиламиз. Мўътабар онахон ва отахонларимизнинг умр йўлларини ёшларимизга ибрат қилиб кўрсатаймиз. Бу, албатта, ўз самарасини бермоқда. Оилавий ажралишлар, жиноят содир этиш ҳолатлари деярли йўқ. Бинобарин, кексаларимиз нафақат ўз хонадонларининг, балки маҳалла-мизнинг ҳам файзидир.
Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ИНТИЛИШ

Бухоро шаҳрида туғилиб ўсганман. Тақдир тақозоси билан Гаждумак кишлоғига келин бўлиб тушдим. Очиги, бу ер шаҳардан сираям қолишмайди.

Таълим фалсафаси

Бири-бирдан шинам, кўркам, замонавий уй-жойлар, савдо шохобчалари, тўй-маросимлар зали, "Гўзаллик саломи", тикув цехи, спорт иншоотлари — буларнинг барчаси кишлоғимиз қиёфасини тубдан ўзгартириб юборган. Мактабимиздаги қулай шарт-шароитларни айтмайсизми?!
Дарвоқе, айни пайтда Гиждувон туманидаги 62-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатиди ўқувчиларга инглиз тилидан сабоқ бераёлман.

Хорижий тилларни чўқур ўргатишга ихтисослаштирилган мактабимизда республикамизнинг турли гўшаларидан келган ўғил-қизлар билим олади. Интилувчан, кўзлари чанбаб турган бу ёшларга сабоқ бериб завқ оласан, киши. Улар чет тилида эмин-эркин сўзлашади. Кўпчилиги "Билимлар беллашуви"нинг туман, вилоят, республика босқичи қолиблари саналади. Дарсларни илгор педтехнологиялар асосида ўтишимиз, "Ўрган — ўргат", "Яши муаллим — сифатли таълим" сингари янги тадбирларни амалда қўллашимиз ана шундай самаралар бераёпти.
Ўқувчиларимнинг илм-фанда эришаётган ютуқларини кўриб, касбимга, она-Ватанимга бўлган меҳрим янада ортади.

Зарногор ЖАЛИЛОВА, «Йилнинг энг яхши инглиз тили ўқитувчиси» республика кўрик-танлови қолиби.

КИЧИК БИЗНЕС

майдалаш ва тарқатиш жиҳозлари тайёрланаёпти. Эътиборлиси, бу ускуналарнинг барчасини ўзимиз ихтиро қилганмиз. Улар ихчамлиги, тежамкорлиги, қўл меҳнатини энгиллаштириши билан буюртмачиларга маъқул туюшмоқда.
Айни дамда фермер хўжалигимиз ҳам коллеж битирувчиларини тадбиркорликка йўналтиришдек олижаноб ишга ўз ҳиссасини қўшаёпти. Яъни биология фанини чўқур ўзлаштирган коллеж ўқувчилари ҳамда бошловчи тадбиркорларни рағбатлантириб бораёлмиз.
Истагимиз кичик бизнес равнақи, эл-юрт ободлигига муносиб ҳисса қўшишдир.
Шерзод РАҲМОНОВ, халқ депутатлари Пешку тумани Кенгаши депутати.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

2015 йилда вилоят иқтисодиётига **3** триллион **878,4** миллиард сўмлик капитал маблағлар жалб этилиб, ўзлаштирилди. Шунинг **1** триллион **458,6** миллиард сўми хорижий инвестициялардир.

Ўтган йили Бухоро вилоятида марказлашган бюджет маблағлари ҳисобидан **87** та объект қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Яқунланган йилда вилоятнинг **24** та массивида намунавий лойиҳалар асосида **923** та замонавий уй-жой бунёд этилди.

2015 йилда **74** мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Уларнинг **70** фоизидан ортиги қишлоқ жойлардадир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вилоят иқтисодиёти ривожига ҳал қилувчи кучга айланган.

Айни пайтда ялпи ҳудудий маҳсулотда уларнинг улуши 67,4, sanoatда эса 32,6 фоизни ташкил этаётгани бунинг яққол далилидир.

Ёшларга мададкормиз

Аҳолининг тадбиркорлик қобилияти юзага чиқиши, ишбилармонлар сафи йил сайин кўпайишида бизнес юриштиш учун яратилган қулай муҳим аҳамият касб этаёпти. Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли хўмия қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди. Пировардида ўтган йилнинг ўзида вилоятимиз-

да 1476 та кичик бизнес субъекти ташкил этилди. Тадбиркорлик ҳаракати энг чекка туманлардан бири — Пешкуда ҳам кенг қулоч ёймоқда. Яратиб берилган қулай шарт-шароитдан оқилона фойдаланиб, "Ҳамро Раҳмон чорва" кўп тармоқли фермер хўжалигимиз фаолиятини йил сайин кенгайтираёлган.
Гап шундаки, паррандачилик учун зарур ускуналар ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз. Жўжани sanoat усулида парваришлаш учун турли ўлчамдаги катаклар, товуклар патини тозаловчи аппаратлар, озуқани

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 267. 141 724 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Тажрибятга келган қўлаёлмаз тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонионов.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.05 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-6768